

ДЎСТЛИК МИЛЛАТ ТАНЛАМАС

Мустиқликнинг
16 йиллигига

Марказ ходимлари Жанубий Кореяда ишлаш истаги бўлган ёшларга визаларни тўғрилашда ҳам кўмаклашиб келмоқдалар. Кореис маданият маркази раиси уринбосари Чун Хи Ким хоним Ватанимиз ҳақида ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

– Болалигимдан Ўзбекистонда яшайман. Шу ерда туғилдим. Фарзандларимни вояга етказдим. Назаримда икки халқнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш бизнинг менталитетимизда ҳам бор. Мен учун биринчи Ватан – Ўзбекистондир. Иккинчи Ватан деб Кореяни биламан. Гарчи Кореяда бўлмаган бўлсам ҳам уни ардоқлаб ашайман. Аммо, барибир Ўзбекистондан узокда яшай олмайман. Марказимизда ўзбек миллий рақсларини ҳам ёшларга ўргатиб келамиз. Мумтоз ва замонавий руҳда ёзилган китобларни, драматик, хореография ва эстрада санъати бўйича миллий фонднинг ташкил қилишми. Бу халқий-харақатлар бугунги кун ёшларига унут бўлаётган кадрларнинг ўргатиш ва келажакда ўз ватанига нафи тегадиган кадр қилиб етиштиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Кореис маданият маркази қизиқувчи одамларни ахборот билан бойитиб, кишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, қайта

номланган хор гуруҳи деярли барча тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Яқинда Жанубий Кореядан бир гуруҳ шифо-

Рус маданият маркази ҳам илғорлардан ҳисобланади. Шаҳарда қандай тадбир бўлмасин, уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Бу марказ шу кунгача

дий кеча уюштириб, эсдалик совгалари топширишди.

– Марказимизда давра суҳбатлари ташкил этиб, унда рус тилини ўрганмокчи бўлган ёшларга ёрдам кўрсатишмоқда, – дейди рус маданият маркази раиси Наталья Кожокина. – Бугунги кунда қанча тил билсангиз, шунча яхши. Чунки, чет тилларни пухта ўзлаштириб, халқро ташкилотларда, чет мамлакатларда ишлашингиз мумкин.

Мамлакатимиз мустиқликка эришгандан сўнг, яқин ва олис хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар кенг йўлга қўйилди. Чет элларга «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлик остида маҳсулотларимиз экспорт қилинмоқда. Бунда миллий маданият марказлари фаолларининг ҳиссалари нисбатда катта бўлаётди. Бу иқтисодий алоқалар биринчи навбатда миллиятлараро ҳамкорликни кенгайтиради, халқлар ўртасидаги тинчлик ва ҳамдўстликни мустиқлашмоқда.

Айни дамда барча марказларда мустиқлигининг 16 йиллик байрамга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Бу тайёргарлик ўз-ўзиндан миллиятлараро жислашуни кучайтирмоқда.

Севара УРИНБОЕВА.



ишлаш, сақлаш, сотиш, илмий-техникавий ишлаб чиқаришда ёрдам бериб келмоқда. Марказда кореис байрамларидан ташқари ўзбек миллий байрамлари ҳам кенг нишонланади. Турли рақслар, миллий қўшиқлар ижро этилади. «Надежда» деб

корлар ташриф буюриб, Янгийул шаҳри ва туманида истиқомат қилаётган кореис миллиятга мансуб ва мансуб бўлмаган аҳоли қатламини бепул даволади. Уларга тиббий маслаҳатлар берилиб, дармондорилар тарқатилди.

этиборни асосан ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшиб, уларга рус тили ва адабиёти, тарих, рус маданиятини ўргатиб келмоқда. Хотира ва кадрлар кўни муносабати билан марказ аъзолари уруш фахрийларига адабий-ба-

САРА УРУҒЛИК – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Тошкент вилоятида уруғлик пахта экилган майдонларда ғўза апробацияси – танловини ўтказиш бўйича кўргазмалар семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ғўза уруғчилиги республика маркази, «Ўздаурунхазоратмарказ»нинг худудий бирлашмалари, уруғлик пахтани қабул қилувчи пахта тозалаш корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Вилоятда пахта етиштирувчи хўжаликлари эртапишар, серхосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли, тола сифати жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган уруғлик чигит билан тўлиқ таъминлаш мақсадида уруғчиликка ихтисослашган уч юздан ортқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларга тегишли ерининг умумий майдони ўн етти минг гектардан зиёд бўлиб, маҳаллий иқлимга мос, чидамли ва серхосил навлар екилган.

Тадбирда уруғлик пахта йигим-терими бошлангунча фермер хўжаликларининг терими, пахта тозалаш корхоналарининг уруғлик пахтани қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашга тўлиқ тайёргарлик қириши юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАНИ

Пойтахтимизда мамлакатимиз мустиқлигининг 16 йиллигига бағишлаб «Мардлар қўриқлайди Ватани!» мавзусида кеча бўлиб ўтди. У Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонлиги Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга мос Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустиқлиги, ҳавфсизлиги ва худудий ахлиллигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Анжуман якунида санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

ЎЗА.



КЕКСАЮ ЁШНИНГ РУҲИ БАЛАНД

Қибрай туманидаги «Дўрмон» боғи яқин орада бундай йирик хайрли тантананинг гувоҳи бўлмаган эди. Юзлаб боғча ёшидаги болажонлардан тортиб тўқсондан ошган табаррук кексаларгача йилнинг энг йирик саховат акциясида иштирок этиб, яйраб дам олдилар.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда «Hydrolife-Buttlers» компанияси томонидан Ўзбекистон мустиқлигининг 16 йиллиги ва Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари вакиллари иштирок этди.

Ҳар жиҳатдан мукаммал ташкил этилган тантанали тадбирча вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан кам таъминланган оилаларда яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, кексаю ёш ногиронлар таклиф этилди. Улар байрамаона тўқин безатилган дастурхон атрофида дилдан гурунлашиб, мириқиб хордиқ чиқардилар.

Тантанали тадбир якунида кам таъминланган оилаларнинг уйда қўйиётган ногирон болаларига компьютер, бир гуруҳ пенсионер ва ногиронларга телевизор, шунингдек, муҳтожларга қўлиқтаёқ ва эшитиш мосламалари, кўпчиликка эса пул муқофотлари тақдим этилди.



СУРАТЛАРДА:
тадбирдан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

МАКТАБ – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мактаб – бу муқаддас даргоҳ! Бизнинг мактабимизда 1307 ўқувчи бўлиб, уларга 66 нафар маҳоратли педагог илм сирларини ўргатмоқда.

Таълим-тарбия ишлари замонавий технологиялар асосида йўлга қўйилган. Педагог ходимларимиз дарсларда юқори самарадорликка эришмоқ учун йўлга қўйилган ва техника воситалардан кенг фойдаланаётганлар.

Ўқитувчи ўзининг педагогик маҳоратини тақомиллаштириш мақсадида ҳар уч йилда малака оширади. Замонавий талаблардан бири мактабда таълим-тарбия муҳитини яхшилаш, ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришдан иборатдир. Жуда тезкор ва хилма-хил ахборотларнинг тинимсиз янгилишини устозлардан касб малакаларини муттасил ривожлантириб боришни талаб қилади. Замонавий ўқитувчининг ҳар бир дасиси ўқувчиларни янги билим олишга, ҳаётий қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоғи лозим.

Дарсларда компьютер саводхонлигини ошириш борасида янги ютуқларга эришилмоқда. Ўқувчилар

ағаллаб келмоқдалар. Мактабимиз битирувчиларининг 80-85 фоизи олий ўқув юртиларда ўқиниш муваффақияти билан давлатга кетмоқда.

Мактабимизда билим самарадорлигининг юқорилиги, фан хоналарининг замона талабларига мос ҳолда жиҳозланганлиги, синфдан ташқари ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги, спорт соҳасидаги ютуқларимиз, ўқувчилар ва ўқитувчиларимиз орасида кийинки маданиятга катта этибор берилиши қатор ютуқлар

га эришишимизда катта омил бўлмоқда. 2006-2007 ўқув йилида «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловининг республика босқичида жамоамиз 1-ўрин олишга сазовор бўлди. Табиийки, бу барча ўқитувчи ва ўқувчиларга янада юксак масъулият юкляди.

Бундай катта ютуққа эришишимизда албатта, ҳомий ташкилот «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бекиёс кўмағи таҳсинга лойиқдир. Металлургия



ШАҲС ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ

Вилоят адлия бошқармасида ўтган семинар «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Қамолка олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини қўллаш тартибига бағишланди.

Вилоят судлари, прокуратураси, ички ишлар ва адлия бошқармалари масъул ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда ушбу қонунлар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўзига хос янги босқич бўлгани алоҳида таъкидланди.

2008 йилнинг 1 январидан қўлдан кирадиган мазкур қонунлар суд ҳокимияти обрў-эътиборини, шунингдек, шахсларни қамолда сақлаш масаласини ҳал этишда прокурор ва тергов органлари жавобгарлигини, шунингдек, суд тартибиде ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради. Қонун нормалари умум эътироф этилган демократик принциплар ва халқро ҳуқуқ талабларига тўлиқ мос келади.

Семинарда қонунларни қўллашда бевосита иштирок этувчи соҳа вакиллари бу борадаги билим ва малакасини янада мустиқлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

"НИҲОЛ"НИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофотининг 2007 йилдаги совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларда миллий истиклол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат, юрт тақдир учун дахлдорлик, фидойилик каби юксак қасдларни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири экани таъкидланди.

Юртимизда «Келажак овози», «Янги авлод», «Навқирон Ўзбекистон», «Санъат ғўналарига» каби фестиваллар, кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказилаётгани йигит-қизларнинг истеъдоди, қизиқиши ва дунёқараши намойиш этиш учун яратилган кенг имкониятлардир.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2000 йилда ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши санъат оламига кириб келаятган ёшларга ҳар томонлама мадад кўрсатиш, уларни янги ижодий марралар

сари рағбатлантириш, миллий эстрада санъатини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Унга талабгор ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани мазкур мукофот нуфузи йилдан-йилга юксалиб бораётганидан далолатдир.

2007 йилда «Ниҳол» мукофотида мусиқа ижрочилиги, опера, мумтоз қўшиқчилик, рақс санъати, эстрада санъати йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Ўсмирлар симфоник оркестри, Женисбек Пилязов, Гулмира Чаварова, Муҳаббат Курбанова, Фиёс Облоқовлов, Сарвиноз Қуръазова, Фарҳод Қамбаров, Сарвиноз Аннақуллова, Отабек Муталхўжаев, Лазизбек Қиличев, Улуғбек Раҳматуллаев, Дилшод Имомалиев, Мавжуд Алимова ҳамда Шароф Муқимов сазовор бўлди.

– Мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўлидаги

этибор ёш санъаткорлар ижодининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди «Ниҳол» мукофотининг 2007 йилдаги соҳиб, Самарқанд санъат коллежи ўқитувчиси Фиёс Облоқовлов. – Буларнинг барчаси бизни тинимсиз излашга, билдирилган катта ишончни оқлашга ундайди. Кўрсатилган бундай улкан эътибор учун давлатимиз раҳбаридан жуда миннатдоримиз.

Тадбир ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетди. Унда таниқли санъаткорлар, «Ниҳол» мукофоти соҳиблари янги совриндорларни қутлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

КОММУТАЦИЯ МАРКАЗИ

Тўйтепа шаҳрида ўн минг рақамга мўлжалланган коммутация маркази иш бошлади. У Хитой тараккиёт банки кредити ҳисобига лизинг асосида қарид қилинган базаси таъин қилинган.

Айни вақтда ушбу лойиҳа Тошкент ва Сирдарё вилоятлари телефон алоқаси янада сифатли бўлишини таъминлаётди.

Ақбар АЛИЕВ.

«ИПОТЕКА БАНК» АТИБ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2007 йилнинг 25 август куни «Ипотека банк» АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган Меҳнат филиалининг мажлислар залида соат 10.00да бўлиб ўтади. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9.00 дан бошланади.

Навбатдан ташқари умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар вакиллари шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) билан келишлари лозим.

«Ипотека банк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги 670-сонли «Банк капиталлашуви янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича ишларни белгилаш.
2. «Ипотека банк» АТИБ эълон қилинадиган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.
3. «Ипотека банк» АТИБ уставига киритиладиган ўзгаришларни тасдиқлаш.

«Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, аёна ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар. Шу маънода бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшайётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, имони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти бекиёсдир».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу сўзлари касба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги мажлисида айтилган гаплар, билдирилган фикр-мулоҳазалардан қизил ип бўлиб ўтди, уларнинг негизини ташкил қилди. Мажлис Кенгаш раиси Мухайе Тулаганованинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида касба уюшмалари вилоят ташкилотларининг олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги маърузасини тинглади ва муҳокама қилди.

– Ҳақиқатан ҳам Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аёна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига она юртва муҳаббат, миллий ғояларимизга сadoқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, – деб таъкидлади маърузачи. – Миллий мафқуранинг асосий ғоялари – Ватан раънақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, қомил инсон тарбияси масалалари, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик барчамизнинг онг-онгимизга, шууримизга сингиши лозим. Фақат шу асосдагина ҳаммамизда жонда, хусусан, ён-атрофимизда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси кучайиб, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузаларга қарши ҳаммиз ҳушёр, огоҳ тура оламиз.

Йиғилишда халқаро майдонда мафқуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали шароитда маънавий-маърифий ишларни давр талаблари даражасида ташкил этиш лозимлигига асосий эътибор қаратилди. Ёшларимизни турли мафқуравий хуружлардан муҳофаза қилиш, юртдошларимизда ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш айниқса муҳим аҳамият касб этаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Умуман, касба уюшмалари миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини кўтариш ҳақидаги қарордан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш учун муҳим дастур қабул қилганлиги бу соҳадаги барча ишларга изчиллик ва амалийлик бағишлади. Эндиликда асосий мақсад меҳнатқашларнинг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифода этиб, касба уюшмаларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳалардаги устувор вазифаларини амалга ошириш барча фуқароларда ватанпарварлик, ўз мамлакатини билан фахрланиш туйғусини тарбиялаш билан уйғунлашиб кетди.

Шу тариқа ўз сафларига 545 минг аъзони бирлаштираган вилоят

касба ташкилотлари кенг халқ оммаси, айниқса, ёшлар онгига миллий ғояни кенг ва чуқур сингдириш жараёнининг олдинги каторида бораётганлар. Улар ишловчиларни ва уларнинг оила аъзоларини маънавий-ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, инсон қадр-қимматини кўтариш, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялашни кучайтириб, бош миллий ғоя – миллатлараро тотувликни, жамиятда бирлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

«Ҳеч бир киши эътибордан четда қолмаслиги керак!» – касба уюшмаларининг ўтиш давридаги шиори ана шундай. Мажлис иштирокчилари кун тартибидagi масалани ҳам шу нуқтаи назардан қўриб чиқиди. Одамларга доимо яқин бўлиш, эҳтиёжларига ҳозиржавоблик, улар билан узвий алоқада ишлаш, айниқса, ҳаётда қокилган, адолатсизлик олдида ноилж қолган, ишлаб чиқаришда жабрланган одамларни эътибордан четда қолдирмаслик керак, деб таъкидлаш-

ган оилалар, ўзгалар парваршига муҳтож одамларга шу йилнинг биринчи ярмидаёқ 90 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бу тоифадаги кишилар жамоа шартномалари асосида 121,9 миллион сўм миқдорда шундай ёрдам олишди.

Одамларнинг маънавий ва ватанпарварлик тарбиясида туризм ва спортнинг аҳамияти катта. Касба идоралари бу борада амалга ошираётган ишлар Кенгаш мажлисида чуқур таҳлил қилинди. Айниқса, халқимизнинг бой маданий мероси, тарихий ёдгорликлар билан таништириш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига уюштирилаётган саёҳат ва экскурсиялар яхши натижа бераётди.

Маънавий-маърифий ва оммавий-маданий тарбияда кутубхона, клуб, маданият саройлари, миллий маданият марказларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу борада «ОКМК», «Аммофос» очик акциядорлик жамиятлари, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройлари ва кутубхоналарида бой тажриба тўпланган. Касба кўмиталари «Маънавият ва маърифат» буржлари, кичик кутубхоналар ташкил этиб, уларни таъсирчан кўргазмалар воситалари ва янги адабиётлар билан муттасил бойитмоқдалар.

Мажлис миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий тарбия соҳасида бевосита жойларда амалга оширилаётган ишлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратди. Амалий ишлар таҳлили чоғида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш воситалари ва омиллари аниқлаб олинди. Гап учрашув ва суҳбатлар миқдориди эмас, балки унинг ғоявий савияси, маънавий-маърифий таъсир кучига боғлиқ, дейишди нотиклар. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадбирдорликнинг зарарига эътибор қаратилди, ишдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Мажлис, шунингдек, касба уюшмалари ҳаётининг бошқа муҳим масалаларини ҳам қўриб чиқди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

КУН ТАРТИБИДА – МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Касба уюшмалари вилоят ташкилотлари кенгаши раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда касба ташкилотлари ҳаётининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Жумладан, Янгийўл шаҳридаги «Биокимё» очик акциядорлик жамиятида маъмурият билан касба кўмитасининг ишловчиларга хавфсиз ва соғлом иш шартноларини яратиш борасидаги ҳамкорлиги, унинг самаралари ҳақидаги масала қўриб чиқилди.

Таъкидландики, кейинги йилларда 146 иш жойининг экологик ва биологик ҳолати шаҳодатланди. Унинг натижаларига кўра ишловчиларга пенсияга чиқиш, қўшимча меҳнат таътилидан фойдаланиш, махсус сут билан таъминлаш сингари қўшимча имтиёзлар белгиланди.

Жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган чора-тадбирлар тўла бажарилган. Бу мақсадлар учун белгиланганидан 1,2 миллион сўм кўп – 7,9 миллион сўм йўналтирилган. Бундан ташқари махсус иш кийимлари ва пойабзал, ҳимоя ва ювиш воситалари, махсус сут учун 17,7 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган.

Зарарли ва ноқулай меҳнат шартнода ишловчилар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Шу

йилнинг ўзида 301 киши шундай кўриктан ўтказилганлиги бу ишнинг қўлама қанчалик кенглигидан далолатдир. Ишчи-хизматчиларнинг техник хавфсизлиги қоидалари ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиш, уч босқичли маъмурий-жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасидаги ибратли ишлар сўнгги етти йил давомида бахтсиз ҳодисаларсиз меҳнат қилиш имконини берди.

Шунингдек, раёсат таълим тизимида аёлларга имтиёзлар берувчи қонунчиликка риоя этилишини яхшилаш масалалари хусусида илгари қабул қилинган қарорнинг бажарилиши, болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумининг якунлари, «Оҳангароншифер» ҳиссасдорлик жамиятида касба фаоллари малакасини ошириш ва касба ташкилотлари идораларининг фаолиятига оид бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

БУ УЛУҒ БАЙРАМ – БАРЧАМИЗНИКИ

Шу кунларда мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида қутлуг ва муборак байрам нафаси кезиб юрибди. Ўзбекистон халқи мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигини зўр тантаналар билан нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда.

Шу энг азиз байрамимиз арафасида касба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Бу улуг байрам – барчамизники!» шиори остида тантанали тадбир ташкил этди. Унга касба уюшмаларининг турли бўғинларида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар, касба ташкилотларининг етакчилари ва фаоллари таклиф қилинди. Мустақил тараққиётимиз неъматлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самаралари ҳақида ҳаяжонли фикр олишув бўлиб ўтди. Мамлакат мустақиллигининг 16 йил-

лиги муносабати билан қўп йиллик самарали ижтимоий-меҳнат фаолияти учун ўн нафар меҳнат фахрийси Ўзбекистон санаторийларидан бирида даволаниш учун беҳуд йўлланиш билан тақдирланди.

Бир гуруҳ меҳнат фахрийларига эса қимматбаҳо совғалар топширилди. Тошкент вилояти академик ва халқ бадийи жамоалари дирекциясининг «Шош навоилари» ансамблининг ҳушовоз хонандалари ўзларининг озод Ватан, эркин ҳаёт ва байналминал бағрикенглик ҳақидаги қўшқлар билан йиғилганларга кутаринки руҳ бағишлашди.

Туризм

МАРОҚЛИ САФАР

Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари ва тарихий жойларга туристик саёҳатлар уюштириш яхши аёна бўлиб қолди.

Тармоқ касба ташкилотлари меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илгорлари ва ёшлар учун шундай сафарлар уюштиришгапти.

Яқинда «Ўзбекгеофизика», «Ўзбеккумир», «Биокимё» очик акциядорлик жамиятлари ва «ТошИЭС» ишчи-хизматчиларидан 119

киши учун Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига туристик саёҳат уюштирилди. Улар қадимий меъморий ёдгорликлар, мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий иншоотларни томоша қилиб, халқимиз тарихи, буюк ўзбек алломаларининг ҳаётлари билан танишишди.

ИШЧИ КЛУБИДА ТОМОША

Ўзбек Миллий академик театри актёрларининг ишчи жамоаларида бўлиб, спектакллар намойиш қилишлари санъат шинавандаларига манзур бўлмоқда.

Яқинда санъаткорлар «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятида гастроль томошалари кўрсатишди. Ишчи-хизматчилар «Андишали келинчаки», «Уч қушлик дунё», «Қирмизи олма» спектакллари зўр қизиқчи билан томоша қилишди.

Саҳифа материалларини касба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлашди.


КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Сизларни энг улуг, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 16 йиллиги билан қизгин қутлаймиз.

Мамлакатимизнинг барча меҳнатқашларига оилавий тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Ҳамиша бағрингиз бутун, меҳнатингиз унумли, топиш-тутишингиз баракали, рўзгорингиз тўкин бўлсин.

Ўзбекистон касба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши.



Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

НАВБАТ - УКРАИНАГА

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг саралаш босқичига тайёргарликни бошлади.

Рауф Иниев бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз вакиллари бугун Украина пойтахти Киев шаҳрида мазкур мамлакат миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Ушбу ўйиндан олдин Рауф Иниев шогирдлари Тошкентнинг олий лигадаги жамоаси — "Трактор"га қарши синов-назорат учрашувини ўтказиб 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатининг биринчи саралаш босқичидаги расмий учрашувини Хитой Тайпейга қарши ўтказди.

КУЧЛИЛАР САФИДА

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) мутахассислари футбол бўйича дунёдаги энг кучли миллий чемпионатларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Халқаро ташкилот мутасаддилари Ўзбекистонда футбол жадал ривожланиётганини эътироф этган ҳолда, миллий чемпионатимиз олий лигасини дунё бўйича 39-пономга муносиб топди. Ўзбекистон чемпионати аввалги рейтингда эллигинчи ўринда қайд этилган эди.

Бу кўрсаткичга кўра мамлакатимизнинг футбол бўйича энг асосий мусобақаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари орасида Россия (25-ўрин) ва Украина (32-ўрин) чемпионатларидан сўнг учинчи ўринда бормоқда.

Жадвалда Испания, Бразилия ва Англия чемпионатлари эса кучли учликдан жой олган.

ЗАРБА ВА НОКАУТ

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Қирғизистон, Колумбия ва Таиланддан келган чарм кўлоп усталари рингга чиқди.

Ўзбекистонлик Фаррух Ҳакимов профессионал фалиятдаги биринчи жангини қозоғистонлик тахрибали боксчи Семён Уроповга қарши ўтказди. Мазкур беллашув олдиндан кўплаб мухлис мутахассислар профессионал рингга учта жанг ўтказиб, барчасини ўз фойдасига ҳал қилган қозоғистонлик боксчининг ғалабасини тахмин қилган эди.

Бироқ Фаррух Ҳакимов тўрт раундлик жангга пухта тайёргарлик кўрганини, рақибига нисбатан кучли эканини намойиш қилди. Урашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган ўзбекистонлик спортчи биринчи раунднинг ўзидаяқ рақибини нокаутга учратди.

Шундай қилиб, ҳамюртимиз Фаррух Ҳакимов профессионал боксдаги биринчи зафарли одимини ташлади.

ВЛАДА КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Москвада Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган халқаро теннис турнирида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган ракетка усталари каторида ҳамюртимиз Влада Екшибарова ҳам голиблик учун куч синачмоқда.

Еш теннисчимиз беллашувларни саралаш турниридан бошлади. Влада Екшибарова асосий турга йўлланма олиш учун ўтказиладиган саралаш мусобақасининг дастлабки баҳсида украиналик Оксана Тепляковага қарши кортга чиқди.

Уйинининг биринчи сетада 6:3 ҳисобида зафар қучган ҳамюртимиз кейингисида 4:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Бироқ ҳал қилувчи — учинчи сетада ишончли ўйин кўрсатган Влада рақибасидан 6:1 ҳисобида устун келди ва навбатдаги босқичга йўлланма олди.

Умидли теннисчимиз кейинги учрашувни словакиялик Магдалена Рибариковага қарши ўтказди.

ЎЗА.

Эълонлар

Тошкент шаҳридаги «ATL-SAKM» хусусий фирмаси «ATL-SAKM» хусусий корхонасига айлантирилмоқда.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 701-29-58 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги «GEORGEN PLYUS» МҲЖ (ОКПО 19815414) ОКНХО 71300 тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 191-93-40 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бектемир туманидаги «YUSUFXON BARAKA» хусусий корхонаси (ОКПО 21469072) устав жамғармачисини 10 000 000 сўмдан 2 000 000 сўмга камайтираётганини маълум қилади. Мурожаат учун телефон: 323-04-58.

ООО «GOLD SKY PARADISE», ОКПО 21467133, ИНН 300053528, зарегистрированное за № 001219-07 от 15.11.2006 года Хамзинского района, уведомляет о реорганизации путём присоединения к ООО «TILLA SANDIQ HAZINASI», зарегистрированного за № 001513-03 от 18.05.2006 г. Мирабадского района. Тел.: 302-42-90.

Утеранный диплом Е № 035513, выданный Профессионально-техническим училищем № 7 в 1991 году на имя Сергеева Сергея Валерьевича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный гос.ордер на квартиру № 04-01/1987 от 21.01.93 г. права собственности на имя Емцовой Татьяны Ивановны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный гос. ордер на квартиру № 07-01/2933 от 04.02.93 г. права собственности на имя Пантелеевой Екатерины Владимировны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный временный ордер на квартиру № 15-03/834 от 28.04.1998г. права собственности на имя Табибовой Шахиды Садыковны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Аранг шундай дея олдим, кейин тубсиб бир кудукка тушиб кетдим. Алламахалдан кейин йўқликдан йиғи товуши элас-элас эшитилди. Чақалоқ эантикиб-эантикиб, лекин мажолсиз йиғларди. Унинг йиғиси мени кўтариб бораётганини сезиб қолдим. Олисда ёруғ бир нукта пайдо бўлди. Чақалоқ йиғисининг эпкинчи оқорига кўтариб-кўтариб ташлаётгандек эди. Хаволана-хаволана кудук юзига селпиниб чиқиб қолдим. Йиғи тўхтади. Қандайдир ивир-шивирлар кулоғимга чалинди: «Юзига қизиллик югурди». «Яхшиликка бўлсин, илоҳим».

Бахриниса ая жим бўлиб қолди. У ҳеч қачон бунчалик дилёзди қилмаганди. Менинг ахволимни идрок этиб, далда бераяпти, кўнглимни тинчлан-

сан. Иш бўлса, топилар, ахир? — Топилади, — деди Насибохон ишонч билан. — Санаторий бор-ку, бош шифокори институтимизга малака оширгани келган эди. Бир гаплашиб кўрай-чи. — Яхши, қизим.

Машғулоти тугатиб, портфелини йиғиштираётганида онаси билан кечаги суҳбат ёдига тушиб, Насибохон аудиторияни кўздан кечирди. «Оқтош» санаторийсининг бош шифокори Қосим Алимович бир даврада суҳбатлашиб турарди. Унинг нигоҳини сезиб, илдам юриб келди:

— Бирон гап борми, Насибохон?

— Шундай, Қосим Алимович, — деди Насибохон портфелини кўлига олаётди. — Мумкин бўлса, бир маслаҳат

орзу қилиб қолдим, холос.

Насибохон узоқ уйқудан уйғонгандек бўлди. Қараса, ёнгинасида Султонали ўтирибди. Ун қўлини диван суяничи устига ташлаганича дараза ортида, мевалари ранг ола бошлаган олма дарахтида гўжон ўйнаётган кушларни кузатаяпти. Аста бошини унинг кўксига қўйди.

...Султонали кузатиб чиқмоқчи эди, бунга Насибохоннинг равиий бўлмади. Унинг ортидан эшикни ёпиб, яна стол ёнига борди, кўндаликни кўлига олди. Энди ёзувлар қисқа-қисқа, асосий воқеаларгина қайд қилинганини кўриб, аввалига ҳайрон бўлди.

«1983 йил, май. Уч ойи, Оқтошда ашяяпмиз. Санаторий қабулхонасида ишляпман. Докторлик ишимни тугатаёзим».

«Қизиқ ҳолатга тушаяпман. Ўтирдим дегунча, кўзларим юмиллиб кетаверади».

«Эрталаб нон ёдим, айвонда саватга териб қўйдим-да, ик-ки тагина иссиқ нонни кўтариб, Савриниса хола-ни кўргани чикдим. Кирсам, саксонни қора-

лаб қўйган кампир супада иш тикиб ўтириптилар».

«Ишга отланаётсам, ойим менга ғалати қараб қўйдилар. Кейин секингина: «Қизим, бироз серхаракастроқ бўлгин, — дедилар сири қулимсираб. — Қўшини бунинг қизинг эгизак фарзанд кўради». — дедилар. Серрайиб туриб қолдим, Бунни кўриб, ойим: «Нима, ёмонми?» — дедилар ошқора жиймайди. Шошилиб бориб, ўзимни кучоқларига ташладим».

«Ғазалкентга, маслаҳатхонага тушдим. Кекса доктор аёл қайта-қайта текширди, анализларимни кўриб, чехраси ёришиб кетди: «Насибохонимовна, эгизак фарзанд кўрасиз». — деди».

«Таътилга чиқдим. Кун бўйи уйдаман. Кўпинча қўшни хонадонга чиқиб, Савриниса буви билан суҳбатлашиб ўтираман. У киши жонли тарих». «Кейинги пайтда тушларимда Султонали акани тез-тез кўрапман. Рўпарамиздаги тепалик устида қулимсираб турганлари-турган. Охири бунни онамга айтдим. У киши ташвишга тушиб қолдилар. Кечки пайт Сойликда яшовчи Нури отини бошлаб келдилар...»

Султонали ўйлиниб қолди. Айни ўша кунлари ўзи нималар билан машғул бўлганини эслаб бошлади. Э-ҳа, ёнинг ўрталарида ниҳоят докторлик ишини аяқлаб, илмий кенгашга топширган эди. «Ё, Аллоҳ! — у юзларини сийлаб, ўн қўлини кўксига қўйди. — Ё, қудратингдан!»

«... Қўзимни онсам, кенг каравотда ётибман. Тепада шифокор Александра Ивановна қилиб турибди. «Мана, кўтулиб ҳам олдинг, Насибохон! — деди у. Кейин энгашиб, секингина қўшиб қўйди. — Қўшалоқ меҳмон муборак, ҳамкасб». Савол назари билан унга тикилиб қолдим. «Ҳа, ҳа, — Ҳасан-Ҳусан. Иккови ҳам соппа-соғ. Уйқоқлаб ётишпоти. Қичқириб-қичқириб йиғлашпоти...» Вужудимда оромли бир энгиллик сездим. Ухладимми, яна худшдан кетдимми, билмайман. Бир пайт рўпа-розма, шифт билан ер ўртасида поёндозли йўл пайдо бўлди. Султонали ака, тез-тез юриб келдилар! Қўзлари порлаган, юзлари бирам ёруғ-бирам ёруғ...»

(Давоми бор).

"ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ"

Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Республика Маънавият тарғибот маркази Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўқувчилар ва талаба ёшлар ўртасида иншоолар танловини ўтказди.

Танловда юртимизнинг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари, олий таълим даргоҳларининг ўн мингдан ортиқ ўқувчи ва талаба ёшлари иштирок этди.

«Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз», «Ўзбекнинг гурури тоғлардан баланд» каби маззулардаги ижодий ишлар танловининг туман, шаҳар, вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси босқичлари якунида сараланиб, тўплам ҳолида чоп этилди.

«Дилларда Ватан мадҳи» деб номланган мазкур тўпламдан жой олган ижодий ишларда истиқлолнинг ёш авлод тақдирдаги аҳамияти, ёшлар билими ва тафаккури, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги ўрни, йигит-қизларимизнинг илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини қўз қорачиғидек асрашдаги ютуқлари аниқ ҳаётий мисоллар орқали очиб берилган.

Янги ёшлар иилида ушбу тўплам асосида таълим даргоҳларида маънавият дарслари, маърифий анжуманлари ўтказиш кўзда тутилмоқда.

ЎЗА.

Конвейер	Миллий тилшунас	Дворняк (Европа)	Чувара (форсча)	Спорт қиличи	Догла (ўзбек)	Риши (актер)	3-макс (шашма-ком)	Ришк
Кавказдаги тоғ	Миллат	Дуока «нони»	Тангри	Аёллар исми	Калъа	Миллат	Фасл	Душман
Оқ металл	Жаноб (попачка)	Шикаст	Ахд	Бурж	Уя	Дин... ким... чин...	Соғлиқ	Козок адиби
Осиёдаги давлат	Футболчи (франс)	Ковач (шева)	Занкир	Овчи	Илдиз	Сабаб	Мис тоғора	Машуқ
Чоҳ	Шарҳи (сўз-маъно)	Катта қон томир	Қон (форсча)	Афсонвий қуш	Асбоб	Сира	Елим	Улкан тош
Кийим руси	Хитой-деги миллат	Илдиз	Сабаб	Мис тоғора	Кулоқ, томоқ бурун (врач)	Ака	От сочи	Бурун билан урмоқ
Ўзбекистондаги авто-шаҳар	Бува	Билим-дон (синон.)	Дура	Ирик шоши уй хай-вонлари	Фармон	Ноз қараш-ма	Хул мева	Саватон қазалик (русча)
Мағлининг дуст	Биримиз (синон.)	Дура	Ирик шоши уй хай-вонлари	Фармон	Ноз қараш-ма	Хул мева	Саватон қазалик (русча)	Гектар
Касаллик тури	Россия ТВ	Биримиз (синон.)	Дура	Ирик шоши уй хай-вонлари	Фармон	Ноз қараш-ма	Хул мева	Саватон қазалик (русча)
Оунов (жонан)	Бош-қарма (русча)	Биримиз (синон.)	Дура	Ирик шоши уй хай-вонлари	Фармон	Ноз қараш-ма	Хул мева	Саватон қазалик (русча)

Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ

НАСИБА

Воқеий қисса

тирмоқчи, ўйлади Насибохон. У онасининг тиззаларидан бошини кўтармай узоқ ётди.

— Мени нариги дунёдан сеннинг йиғинг сугуриб олиб чиққан, — яна уйчан гап бошлади она. — Адаг қўйиб кетган исм менинг ҳам бу дунёдаги насибамни бут қилди, ўсиб-улғайдинг, катта олима бўлиб етишдинг, — у бироз жим туриб қолди-да, аллақандай ички бир умид билан гапини давом эттирди. — Худо-йим, шу кунлардаги тусомларим ҳақиқат бўлиб бўй кўрсатсин. Нима бўлса ҳам отангининг чирғоғи сўнамасин...

Насибохон салчиб кетди, кўзлари ола-қула бўлиб, онасига тикилди. Бу нигоҳда таажжуб ҳам, ташвиш ҳам, қувонч ҳам қоришиб кетганди.

— Ўзингни бос, қизим, — деди она уни бағрига босиб. — Имоним қомил, сен номаъқул иш қилмагансан. Нима бўлганда ҳам ўзлгининг йўқотмагансан, бошқа бировнинг ҳақиға чанг солмагансан. Фақат бу ҳаётдан ўз насибангни олгансан, холос. Мен шундай ўйлайман. Сен эса, хотиржам бўл. Энди бу жойлардан кўчиб кетамиз. Оқтошдаги амманг бор-ку, Нусратбиби. Уша бувагидан қолган жойлар хувилаб ётганини айтиб, хар келганида кўчиб бориб, қайнотангиз раҳматлигининг чирғоғини ёқиб ўтириб, деб дидиёб қилди. Сен дам олишда бўлган кези ҳам бир келиб-кетди. Нафсиламбирига, Мирвосил почадан кейин боғ қаровсиз қолди. Хар йили узум деса — узум, майиз-ўрик деса, майиз-ўрик таширди, раҳматли бизга. Уй-жойни ямаб-ясаб, бўяб-суваб юради. Ўтган ёз боққа бирон маротаба чиқа олмадик. Нусратбиби ҳам қартайиб қолди. Болалари ўз юмуши, ўз рўзғори билан овора...

Онасининг бу гапларини эшитган сари Насибохоннинг қоронғи дунёси ёришиб, руҳи энгил тортиб борарди. Ниҳоят, у ростланиб ўтирди. Бахриниса ҳам елкасига тушиб қолган рўмолини тўрилади. Она-бола бир дам жим ўтириб қолди. Яна Бахриниса ая гап бошлади:

— Янги жой, янги одамлар, сиқилмай, эмин-эркин яшай-

(Давоми.)

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бoshқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Ғ-740.

А-3972. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Саҳифаловчи: Тохир МАХМУДУЖАЕВ.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари. "Шарҳ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.35.

2 3 4 5 6